

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ
ТОМОНИДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН ВА ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ
ТАРТИБИ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАРНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22 - 23-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби бўйича услубий тавсиялар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларига ижро учун, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига маълумот учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти раҳбари С.Курбонкулов зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

*2017 йил «11» август,
№ 844.*

М.Абдусаломов

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби бўйича услубий тавсиялар

1. Ушбу услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташқари) депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловларга олти беш кун қолганда бошланиб, қирқ беш кун қолганда якунланади.

3. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш фуқаролар йиғинида (вакиллар йиғилишларида) амалга оширилади.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларни, у ёки бу сиёсий партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир.

Депутатликка номзодлар этиб мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган, тегишли туман, шаҳар иқтисодиётининг ривожига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган, аҳоли орасида обрў-эътиборга эга шахслар кўрсатилади.

5. Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда қоида тариқасида тегишли ҳудудда ишловчи ёки яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб кўрсатилиши мумкин.

6. Қуйидагилар:

- суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

- суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона кўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб кўрсатилмайди.

Судьялар, прокуратура органлари ва ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (туман ва шаҳар ҳокимлари бундан мустасно) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

7. Фуқаролар йиғини Кенгаши халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод кўрсатишда барча ташкилий ишларни амалга оширади.

Жумладан, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлари кўрсатилаётган шахслар рўйхатини фуқаролар йиғини Кенгаши шакллантиради.

8. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига ўз номзодини кўрсатиш учун тегишли фуқаролар йиғини Кенгашига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, тегишли ҳудудда фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотлари ҳам ўз вакилларини халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод сифатида фуқаролар йиғини Кенгашига тавсия этиши мумкин.

9. Фуқаролар йиғилиши(вакиллар йиғилишида) халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилади. *(Баённома намунаси №1).*

Депутатликка номзоди кўрсатилаётган шахс туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш бўйича фуқаролар йиғинида (вакиллар йиғилишида) қатнашиш ҳуқуқига эга. Туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар муҳокама этилиб, умумий овозга қўйилади. Энг кўп овоз олган номзод тасдиқланади. Овоз бериш шакли (очик ёки яширин)фуқаролар йиғини қарори билан тасдиқланади.

10. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига биттадан номзод кўрсатишга ваколатлидир.

11. Агар тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округи ҳудудида икки ва ундан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзини бошқариш органи жойлашган бўлса, депутатликка номзод тегишли ҳудуд фуқаролари вакилларининг қўшма йиғилишларида кўрсатилади.

Йиғилишда иштирок этиш учун вакиллик нормаси тегишли туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Тегишли ҳудуд фуқаролари вакилларининг қўшма йиғилиши туман, шаҳар сайлов комиссияси аъзоси иштирокида ўтказилади. *(Мазкур жараён икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда сайлов округида жойлашган фуқаролар йиғинлари Кенгашларининг қўшма мажлисида халқ депутатлари туман, шаҳарКенгаши депутатлигига номзодлари кўрсатилаётган шахслар рўйхати тасдиқланади ва тегишли сайлов округи ҳудудида яшовчи фуқаролар вакилларининг қўшма йиғилишига киритиш бўйича қарор қабул қилинади(Баённома намунаси №2).*

Иккинчи босқичда сайлов округи ҳудудида яшовчи фуқаролар вакилларининг қўшма йиғилиши ўтказилиб, унда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига депутатликка номзод сайланади.)(Баённома намунаси №3)

12. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларни кўрсатиш ҳақида баённома тузилади ва фуқаролар йиғинининг (вакиллари йиғилишининг) қўшма қарори қабул қилинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодни рўйхатга

олишни сўраб тегишли туман ва шаҳар сайлов комиссиясига ариза беради. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- фуқаролар йиғин(лар)ининг (вакиллар йиғилишининг) туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзод кўрсатиш ҳақидаги (қўшма) қарори;

- фуқаролар йиғин(лар)ининг (вакиллар йиғилишининг) депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, шунингдек, сайлов округи номи ва тартиб рақами кўрсатилган баённомаси;

- депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

- ушбу тавсияларнинг 6-банди 5-хатбошисида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг, башарти улар депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимлардан бўшаш ҳақидаги аризаси.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш ҳақида туман ва шаҳар сайлов комиссияларига тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш тартиби “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонун асосида белгиланади.

**Халқ депутатлари Шайхонтохур туман Кенгашига 12-Қоратош сайлов
округидан депутатликка номзод кўрсатиш бўйича “Адолат” маҳалла,
(шаҳарча, қишлоқ, овул) фуқаролар йиғинининг (вакиллари
йиғилишининг) йиғилиши
БАЁННОМАСИ**

“ ___ ” _____ 201__ й.

_____ (шаҳар, туман)

Раислик қилувчи: _____ – “Адолат” маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

Қатнашдилар: “Адолат” маҳалла фуқаролари вакиллари.
Жами _____ нафар киши (рўйхат илова қилинади).

К У Н Т А Р Т И Б И:

12-Қоратош сайлов округи таркибига кирувчи “Адолат” маҳалла
(шаҳарча, қишлоқ, овул) фуқаролар йиғинидан халқ депутатлари
Шайхонтохур туман Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш.

Ташкилий масалалар:

Фуқаролар вакилларининг кўпчилик овози билан йиғилиш котиби
этиб “Адолат” маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби *Тошматова Г.М.*
сайланди;

Санок комиссияси:

1. *Абдуллаев Олим Обидович*, 1965 йили туғилган, Муқимий кўчаси,
65-уйда яшовчи, “Адолат” маҳалласи фаоли;
2. *Сафарова Мавлуда Ариповна*, 1983 йили туғилган, 6-уй,
21-хонадонда яшовчи, “Адолат” маҳалласи фаоли;
3. *Икромов Хасан Валиевич*, 1974 йили туғилган, 4-уй, 16-хонадонда
яшовчи, _____ мактаб ўқитувчиси таркибида шакллантирилди.

Йиғилиш регламенти тасдиқланди. Унга кўра:

Номзодларга, ўз режаларини баён этиш учун – 10 дақиқа;

Савол-жавоблар – 5 дақиқа;

Мунозаралар учун – 5 дақиқа.

Депутатликка номзоди тавсия этилаётган шахсга овоз бериш шакли
аниқлаб олинди (очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан).

Кўпчилик овоз билан очиқ овоз бериш шакли тасдиқланди.

“Адолат” маҳалла фуқаролар йиғини раисининг халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар ва “Адолат” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан халқ депутатлари *Шайхонтохур* туман Кенгашига сайлов бўйича *12-Қоратош* сайлов округига депутатликка номзод кўрсатиш билан боғлиқ ваколатлари ҳақида маълумоти тингланди.

“Адолат” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан маҳалла аҳолисининг фикр-мулоҳазалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг таклифларини инобатга олган ҳолда шу ҳудудда яшовчи ва ишловчи кўйидаги фуқароларнинг номзодлари кўрсатилган:

1. *Абдурахмонова Азиза Каримовна*, 1966 йили туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, педагог, партиясиз, Муқимий кўчаси, 12-уйда истиқомат қилади, 2012 йилдан буён “Адолат” маҳалласи фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлайди;

2. *Иванова Ольга Александровна*, 1970 йили туғилган, миллати рус, маълумоти олий, қурувчи-инженер, “Адолат” СДП аъзоси, Фаробий кўчаси, 64-уйда истиқомат қилади. “Адолат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Обод” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати директори лавозимида ишлайди;

3. *Ўлдошев Икром Қаюмович*, 1986 йили туғилган, миллати ўзбек, олий маълумотли, педагог, ЎзЛиДеП аъзоси, 4-уй, 15-хонадонда истиқомат қилади. ___умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Сўзга чиқдилар:

- 1.
- 2.
- 3.

(Сўзга чиққанлар таклиф этилган номзодларни тавсифладилар)

Номзодларга ўз режаларини баён этиш ва саволларга жавоб бериш учун алифбо тартибида сўз берилди:

- 1.
- 2.
- 3.

Раислик қилувчи алифбо тартибида депутатликка номзоди тавсия этилаётган фуқароларни овозга қўйди.

- 1.
- 2.
- 3.

Санок комиссияси ҳар бир номзодга берилган овозларни санаб чиқди ва ҳисобот тайёрлади.

Санок комиссиясининг раиси фуқаролар вакилларининг овоз бериш яқунлари бўйича ҳисоботни ўқиб эшиттирди. Унга кўра:

Абдурахманова А.К. йиғилганларнинг 62%;

Иванова О.А. йиғилганларнинг 20%;

Ўлдошев И.К. йиғилганларнинг 18% овозини олди.

Кўпчилик овоз билан санок комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.

“Адолат” маҳалла фуқаролар йиғини вакилларининг овоз бериши натижалари асосида мажлис

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Адолат” маҳалла фуқаролар йиғинидан халқ депутатлари *Шайхонтохур* туман Кенгаши сайлови бўйича *12-Қоратош* сайлов округидан депутатликка номзод этиб “Адолат” маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси *Абдураҳмонова Азиза Каримовна* кўрсатилсин.

2. “Адолат” маҳалла фуқаролар йиғини раиси *Шайхонтохур* туман сайлов комиссиясига депутатликка номзодни рўйхатга олиш учун тегишли хужжатларни қонунчиликда белгиланган муддатларда тақдим этсин.

Йиғилиш раиси:

Йиғилиш котиби: _____

Намуна №2
(Сайлов округи ҳудудида икки ва ундан ортиқ
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органи бўлган
ҳолатларда биринчи босқич мажлиси)

**Халқ депутатлари *Дўстлик туман* Кенгашига 24-Тинчлик сайлов округи
бўйича депутатликка номзод танлаш бўйича “Наврўз” ва
“Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинлари Кенгашларининг
қўшма йиғилиши
БАЁННОМАСИ**

“ ___ ” _____ 201__ й.

_____ (шаҳар, туман)

Раислик қилувчи: _____ – “Наврўз” маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

Қатнашдилар: _____ “Мустақиллик” _____ маҳалла
фуқаролар йиғини раиси;
“Наврўз” ва “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар
йиғини Кенгаши аъзолари.
Жами _____ нафар киши (рўйхат илова қилинади).

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Халқ депутатлари *Дўстлик туман* Кенгашига 24-Тинчлик сайлов округи бўйича депутатликка номзодлар танлаш ва улар рўйхатини “Наврўз” ва “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар вакилларининг қўшма йиғилишига тавсия этиш тўғрисида.

2. Бошқа масалалар.

“Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини масъул котибининг ахборотига кўра 24-Тинчлик сайлов округи ҳудудида “Наврўз маҳалласининг иккита кўп қаватли уйларида ташқари барча ҳудуди киритилган. Маҳалланинг ушбу сайлов округи ҳудудига киритилган қисмида ___ нафар аҳоли яшайди, ундан овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар ___ тани ташкил этади. Туман сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган вакиллик нормасига асосан ___ вакил сайланган. “Наврўз” фуқаролар йиғини Кенгаши томонидан қуйидаги фуқаролар депутатликка номзод сифатида тавсия этилмоқда:

1. Абдурахманова Азиза Каримовна, 1966 йилда туғилган, миллати узбек, маълумоти олий, педагог, партиясиз, Муқими кўчаси, 12-уйда яшайди, 2012 йилдан “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлайди;

2. Юлдашев Икром Қаюмович, 1986 йилда туғилган, миллати узбек, маълумоти олий, педагог, ЎзЛиДеП аъзоси, 4-сон кўп қаватли уйнинг 15-хонадонидида яшайди, _____-сон умумтаълим мактабидида ишлайди;

3. Алиев Илхом Комилович, 1955 йилда туғилган, миллати узбек, маълумоти олий, педагог, партиясиз, 3-сон кўп қаватли уйнинг

25-хонадонида яшайди, қарилик нафақасида, фуқаролар йиғинининг жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси аъзоси;

“Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби ахборотга кўра 24-Тинчлик сайлов округи ҳудудига “Мустақиллик” маҳалласининг битта кўчаси ва битта кўп қаватли уйи киритилган. Маҳалланинг ушбу сайлов округи ҳудудига киритилган қисмида ___нафар аҳоли яшайди, ундан овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар ___тани ташкил этади. Туман сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган вакиллик нормасига асосан ___ вакил сайланган. “Мустақиллик” фуқаролар йиғини Кенгаши томонидан қуйидаги фуқаролар депутатликка номзод сифатида тавсия этилмоқда:

1. Иванова Ольга Александровна, 1970 йилда туғилган; миллати рус, маълумоти олий, инженер-курувчи, “Адолат”СДП аъзоси, Форобий кўчаси 64-уйда яшайди, “Обод”хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати директори лавозимида ишлайди;

2. Махмудов Учқун Арипович, 1964 йилда туғилган, миллати узбек, маълумоти ўрта-махсус, “ЎзЛиДеП” аъзоси, А.Навоий кўчаси 41-уйда яшайди, “Хосилот” фермер хўжалиги раҳбари;

“Наврўз”ва “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини Кенгашлари таклифларини муҳокама қилиб,қўшма йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

Дўстлик туман халқ депутатлари Кенгашига сайлов ўтказувчи 24-Тинчлик сайлов округигидан депутатликка номзод сайлаш учун “Наврўз”ва “Мустақиллик” маҳалла фуқаролари вакилларининг қўшма йиғилишига қуйидаги шахслар тавсия этилсин:

1. Абдурахманова Азиза Каримовна, 1966 йилда туғилган, миллати узбек, маълумоти олий, педагог, партиясиз, Муқуми кўчаси, 12-уйда яшайди, 2012 йилдан “Навруз” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлайди;

2. Иванова Ольга Александровна, 1970 йилда туғилган; миллати рус, маълумоти олий, инженер-курувчи, “Адолат” СДП аъзоси, Форобий кўчаси 64-уйда яшайди, “Обод” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати директори лавозимида ишлайди;

3. Юлдашев Икром Қаюмович, 1986 йилда туғилган, миллати узбек, маълумоти олий, педагог, ЎзЛиДеП аъзоси, 4-сон кўп қаватли уйнинг 15-хонадонида яшайди, _____-сон умумтаълим мактабида ишлайди;

Йиғилиш раиси: _____

“Наврўз” маҳалла фуқаролар

йиғини раиси” _____

“Мустақиллик” маҳалла фуқаролар

йиғини раиси _____

Йиғилиш котиби: _____

Намуна №3
(Сайлов округи ҳудудида икки ва ундан ортиқ
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органи бўлган
ҳолатларда иккинчи босқич мажлиси)

**Халқ депутатлари Дўстлик туман Кенгашига 24-Тинчлик сайлов округи
бўйича депутатликка номзод кўрсатиш юзасидан “Наврўз” ва
“Мустақиллик” маҳалла фуқароларивакиллариининг қўшма йиғилиши
БАЁННОМАСИ**

“ ___ ” _____ 201__ й.
(туман)

Раислик қилувчи: _____.

Ҳайъат аъзолари:

- _____ – “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси;
- _____ – “Мустақиллик” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси;
- _____ – Дўстлик туман сайлов комиссияси аъзоси;
- _____ – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
фаолиятини мувофиқлаштириш Дўстлик туман
Кенгаши вакили.
- _____ – 15- умумтаълим мактаби директори.

Қатнашдилар: “Наврўз” ва “Мустақиллик” маҳалла фуқаролари
вакиллари. Жами _____ нафар киши (рўйхат илова қилинади).

К У Н Т А Р Т И Б И:

**1. Халқ депутатлари Дўстлик туман Кенгашига 24-Тинчлик
сайлов округи бўйича “Наврўз” ва “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар
йиғинларидан биргаликда депутатликка номзод кўрсатиш.**

Дўстлик туман сайлов комиссияси аъзосининг халқ депутатлари
туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар ва фуқаролар ўзини
ўзи бошқариш органларининг 24-Тинчлик сайлов округи бўйича халқ
депутатлари Дўстлик туман Кенгашига депутатликка номзод кўрсатиш билан
боғлиқ ваколатлари ҳақида маълумоти тингланди. (Йиғилиш раиси ҳаёт
аъзолари орасидан сайланади)

Ташкилий масалалар:

Фуқаролар вакиллариининг кўпчилик овози билан йиғилиш котиби
этиб “Наврўз” маҳалласи фуқаролар йиғини масъул котиби Тошматова Г.М.
сайланди;

Санок комиссияси:

1. *Абдуллаев Олим Обидович*, “Мустақиллик” маҳалласи фаоли;
2. *Сафарова Мавлуда Ариповна*, “Наврўз” маҳалласи фаоли;
3. *Икромов Хасан Валиевич*, 15-мактаб ўқитувчиси таркибида шакллантирилди.

Йиғилиш регламенти тасдиқланди. Унга кўра:

Номзодларга, ўз режаларини баён этиш учун – 10 дақиқа;

Савол-жавоблар – 5 дақиқа;

Мунозаралар учун – 5 дақиқа.

Кўпчилик овоз билан очиқ овоз бериш шакли тасдиқланди.

Йиғилиш котиби ахборитига кўра ҳудудда яшовчи аҳоли ва нодавлат ноижорат ташкилотлар таклиф ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда “Наврўз” и “Мустақиллик” маҳаллалари Кенгашларининг қўшма йиғилиши қарори билан 24-Тинчлик сайлов округидан депутатликка номзод сифатида кўйидаги фуқаролар тавсия этилган:

1. *Абдурахманова Азиза Каримовна*, 1966 йилда туғилган, миллати узбек, маълумоти олий, педагог, партиясиз, Муқими кўчаси, 12-уйда яшайди, 2012 йилдан “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлайди;

2. *Иванова Ольга Александровна*, 1970 йилда туғилган; миллати рус, маълумоти олий, инженер-қурувчи, “Адолат” СДП аъзоси, Форобий кўчаси 64-уйда яшайди, “Обод” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати директори лавозимида ишлайди;

3. *Юлдашев Икром Қаюмович*, 1986 йилда туғилган, миллати узбек, маълумоти олий, педагог, ЎзЛиДеП аъзоси, 4-сон кўп қаватли уйнинг 15-хонадонида яшайди, ____-сон умумтаълим мактабида ишлайди.

Сўзга чиқдилар:

- 1.
- 2.
- 3.

(Сўзга чиққанлар таклиф этилган номзодларни тавсифладилар)

Номзодларга ўз режаларини баён этиш ва саволларга жавоб бериш учун алифбо тартибида сўз берилди:

- 1.
- 2.
- 3.

Раислик қилувчи алифбо тартибида депутатликка номзоди тавсия этилаётган фуқароларни овозга қўйди.

- 1.
- 2.
- 3.

Санок комиссияси ҳар бир номзодга берилган овозларни санаб чиқди ва ҳисобот тайёрлади.

Санок комиссиясининг раиси фуқаролар вакилларининг овоз бериш яқунлари бўйича ҳисоботни ўқиб эшиттирди. Унга кўра:

Абдурахманова А. К. учун йиғилганларнинг 62%;

Иванова О. А. учун йиғилганларнинг 20%;

Юлдашев И.Қ. учун йиғилганларнинг 18% овоз берди.

Кўпчилик овоз билан санок комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.

“Наврўз” ва “Мустақиллик” маҳаллалари фуқаролари вакилларининг овоз бериши натижалари асосида қўшма йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Наврўз” ва “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинларидан халқ депутатлари Дўстлик туман Кенгашига сайлов ўтказувчи 24-Тинчлик сайлов округидан депутатликка номзод этиб “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Абдурахмонова Азиза Каримовна кўрсатилсин.

2. “Наврўз” ва “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Дўстлик туман сайлов комиссиясига 24-Тинчлик сайлов округидан депутатликка номзодни рўйхатга олиш учун қўшма йиғилиш ҳужжатларини конунчиликда белгиланган муддатларда тақдим этсин.

Йиғилиш раиси:

“Наврўз маҳалла фуқаролар

йиғини раиси”

“Мустақиллик” маҳалла фуқаролар

йиғини раиси

Йиғилиш котиби:
